

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**« Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт:
трансформацион жараёнлар »**



Республика илмий анжумани

ИЛМИЙ МАҚОЛАЛАР ТЎПЛАМИ

Нарзуллаева Мехри Жавлиевна Педагогика факультети 4- босқич талабаси	
Ер ресурслари ва уларни муҳофаза қилиш муаммолари Ганиева Шарафат Термиз ижтимоий-иктисодий касб-хунар коллежи	700-701
Hududda maxalliy tadbirkorlikni rivojlantirish Xidirov B. (Ter DU 1-kurs talabasi) Ziyakulova Sh. O`qituvchi	701-702
Ўзбекистонда халқ таълими натижалари ҳақида касб-хунар коллежи ўқувчиларига инглиз тили дарсларида таълим бериш. Термиз мактабгача таълим ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллеж ўқитувчиси Норматова Нуржамол	702-703
Миллий ва умуминсоний кадриятларда инновацион технологияси. п.ф.н доц. А.Рахматуллаев. Примкулов Х. ТерДУ 2-босқич магистр	703-704
Мелисса лимонная- перспективная овощная культура для интродукции Арамов М.Х. <i>Узбекский НИИ овоще-бахчевых культур и картофеля, Сурхандарьинский опорный пункт, Узбекистан</i>	705-706
Сурхондарё вилояти Бойсун тумани шароитида анор ўсимлиги фитонематодалари Бекмуродов А. С., Ибрагимова И., Саидова М., Чориев С.	707
“Касб таълимида фанлараро боғланиш”Турсунов Ш.Ч Саиткулов Ш.Ў	708
Марказий Осиеда ривожланишнинг муҳим босқичлари. Профессор Ч.Саидов, илмий ходимлар С.Хожиматова, Ш.Рўзиев. И.Х.Туропов.	709-710
Ўзбекистон нефть-газ тармоғининг стратегик бошқарувида таъсир қилувчи айрим омиллар Мирзаев С.А.,ТДТУ магистранти	710-712
Демократик кадриятларни ёшлар онгига сингдиришда урф-одат ва анъаналарнинг аҳамияти Тошкент кимё-технология институти “Ўзбекистон тарихи ва сиёсий фанлар” кафедраси доценти Т.Тўйчиева, катта ўқитувчи Н.Қодирова	712-713
Тадбиркорлик маданиятини шакллантиришнинг тарихий илдизлари. Шерали Абдувалиевич Дусманов Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети Шерзод Абдувалиевич Дусмонов Ўзбекистон Давлат Санъат ва маданият институти.....	713-715
XIII-XIV асрларда Мовароуннахр туркий кавмлари этник таркибида юз берган ўзгаришлар Ш.М.Ўлжаева (Тошкент Кимё-технология институти) тар.фан.док	715-716
Совет ҳокимиятини саноат соҳасидаги сиёсатининг моҳияти ва мазмуни Тер ДУ ўқитувчиси Исломов Камол.....	716-717
Совет ҳукуматининг аграр соҳадаги сиёсати ва унинг натижа ҳамда оқибатлари(Шеробод тумани мисолида) ТерДУ ўқитувчиси Исломов Камол	717-719
Ўқувчиларни нутқ маданиятини такомиллашувида немис тили аҳамияти. Мамадиёрова Феруза ТерДУ ўқитувчи	719-721
Туркистон ўлкасидаги совет ҳокимиятининг сиёсатининг оқибатлари. ТерДУ 2-босқич магистранти Эшназаров Бекзод	721
Koнpurтepa qishlog`i tarixidan Termiz Davlat universiteti Tarix fakulteti 101-guruh talabasi Mamatmusayev Nazirullo.....	722-723
Шифобахш омонхона сувларининг таркиби ва унинг жигар хасталиklarига таъсири. Рахматова М. У. Зоология кафедраси ўқитувчиси.....	722-723
Хорижий тилларнинг ўрганишда Теурийлар даврига муносабат ТерДУ Немис тили кафедраси ўқитувчиси Небароева Зебинос.....	723-725
Совет ҳокимиятининг ижтимоий- иктисодий сиёсати ва унинг оқибатлари (Сурхон-Шеробод мисолида) ТерДУ 1-босқич магистри Тошев Комолиддин.....	725-726
Сурхон-Шеробод воҳасида енгил саноат корхоналари ва унинг иктисодий омиллари (Совет даври мисолида) ТерДУ 1-босқич магистри Тошев Комолиддин	726-728
Буюк Ипак Йўли кўчасида пиёдалар ҳаракат тезлигининг таҳлили А.С. Холов – ТермДУ ўқитувчиси М. Рахимова – ТермДУ ўқитувчиси.....	728-729
Анализ ДТП с участием пешеходов в зоне рынка фархадский Холов –преподаватель ТермГУ	729-731
Замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш муаммолари Менглиев Ш.А., Рамазонов Х.С., Жумаев Т.Ш.	731-732
Кўхитанг хатакилари. Икром Умаров.....	732-733
Бухоро амирлиги қўшинида ҳарбий мансаблар. Кулсоатов Бахром, ТерДУ магистри	734
Кичик эҳтиёжларнинг - катта муаммолари. Дилноза Эшмурзаева Фиология факультети 1-босқич талабаси.....	735-736
Табий ресурслардан фойдаланишнинг ўзига хос жиҳатлари А.Қурбонов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати, Экоҳаракат депутатлари гуруҳи аъзоси.	736-738
Ўзбекистон шаҳарларида савдо марказлари (XX асрнинг 20-30 йиллари) Т.ф.д. С.Б.Шадманова ЎЗР ФА Тарих Институти Т.Р.Шадманов Россия давлат нефть ва газ Университетининг Тошкентдаги филиали.....	738-740

Мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг нефтьгаз тармоғида туб ўзгаришлар бўлиб ўтди, хусусан, юздан ортиқ янги конлар очилди, углеводород хом ашёсини чуқур қайта ишлаш ва улардан юқори қўшимча қийматли маҳсулотни ишлаб чиқариш бўйича йирик корхоналар барпо этилди, шу қатори чет эл инвесторлари иштирокида кўплаб йирик лойиҳалар амалга оширилди.

Давлатимиз Президенти Ислон Каримов, 2013 йил ва яқин келажакка мўлжалланган дастуримизни амалга оширишда иқтисодиётимиз ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ҳамда технологик янгилашни жадаллаштириш ва унинг кўламини кенгайтириш, ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш марказий ўрин тутиши даркор деб таъкидлади.

Мамлакатимиз раҳбарияти томонидан чет эл инвестицияларини жалб қилиш, хорижий инвесторларга турли имтиёз ва преференцияларни тақдим этиш, Ўзбекистон иқтисодиётига ўзаро наф кўриш асосида ўз маблағларини сарфлаётганларни ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан қатор чоралар кўрилмоқда.

Саноат корхонаси кўплаб омиллари остида барқарор иқтисодий ўсишга эришади. Республикада олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар ҳозирги шароитда ривожланишнинг интенсив омиллари асосида иқтисодий ўсишга йўналтирилган. Статистика шуни кўрсатадики, инновацияни яратиш ва татбиқ қилиш бир томондан, юқори даражадаги таваккалчилик ҳисобланса, бошқа томондан, иқтисодий ривожланган мамлакатларда ўртача даромаддан 3 баробардан зиёд даромад келтиради.

«Ўзбекнефтгаз» Миллий холдинг компанияси геологоя – қидирув ишларини кучайтириш мақсадида фойдали қазилмаларни қидиришнинг янги усул ва илғор технологияларини кенг қўлламоқда. Мураккаб тоғ – геология ва географик шароитларда фойдаланиладиган 2D ва 3D сейсмик ускунаси ўзлаштирилди. Замоनावий пармалаш асбоб-ускуналарини ва бурғилаш технологияларини жорий этилиши қудуқларни қурилиши муддатларини сезиларли даражада қисқартириш имконини берди. Қўшма корхоналар тузиш – стратегик шерикларнинг бир шаклидир. Унинг тузилиши ташкилот даражасида амалга оширилади. 2011 йилнинг IV кварталидан бошлаб «KOKAND-KHARKOV-ELKAM NASOS» қўшма корхонасида углеводород хом ашёсини тортиб оладиган нефть насосларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Маҳаллий корхоналар томонидан мамлакатимиз нефтьгаз тармоғи учун асбоб-ускуналарни ишлаб чиқариш муваффақиятли давом этмоқда. Хусусан, «Ўзбекнефтгаз» МХК таркибидиги шўъба корхоналар габаритли ускуналарни яратишда сезиларли даражада илгари силжишди – бунга эҳтиёт қисмларни ҳамда полимер буюмларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйилганлигини мисол келтириш мумкин.

Замоनावий технологияларсиз жаҳон бозори талабларига жавоб берувчи маҳсулот ишлаб чиқариб бўлмайди. Янги технологияларни, имкони бўлса, қўшма корхона тузиш йўли билан сотиб олиш, халқаро талабга жавоб берувчи маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни жаҳон ҳамда ички бозорга олиб чиқиш муҳим аҳамият касб этади. Мутлақо янги йўналиш – бу Жанубий Африканинг SASOL компаниясига тегишли бўлган GTL технологияси асосида, Шўртан газкимё мажмуаси негизида PETRONAS ва SASOL компаниялари билан биргаликда синтетик суюқ ёқилғини ишлаб чиқариш бўйича барпо этиладиган GTL заводи – қўшма корхонаси лойиҳаси ҳисобланади. Мазкур корхона йилига 3,4 млрд куб.м. газни қайта ишлаб, 1,7 млрд тонна синтетик ёқилғи маҳсулоти – Евро-4 ва Евро-5 сифат стандартидаги дизель ёқилғиси, авиакеросин, суюлтирилган газ ва нефть олиниши кутилмоқда. Яна бир альтернатив йўналиш – ёнувчи сланецлардан синтетик нефтни олиниши ҳисобланади. Ўзбекистонда сланецларни катта заҳираларини мавжудлиги, мавкур йўналишнинг катта келажакли борлигини тасдиқлайди.

Геология – қидирув ишларини кучайтириш – бу узоқ муддатли истиқболга эга бўлган мустаҳкам хом ашё негизини яратишнинг асосий омили ҳисобланади. Нефтьгаз тармоғидаги асосий вазифа – бу углеводородларнинг саноат-заҳираларини, уларни қазиб олиниши ҳажмидан ўсишини кўпайтиришдан иборат. 1997 йил 22-августда Республикаимиз Президенти Ислон Каримов иштирокида биринчи навбати ишга туширилган Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи энг замоनावий технологиялар билан жиҳозланган ва турли турдаги олий сифатли ёқилғи ишлаб чиқариш имконига эга бўлган МДХ давлатлари орасидаги биринчи корхона бўлди. 2003-2004 йиллар мобайнида мазкур корхонада АИ-91 ва АИ-95 марказидаги юқориоктанли, этилсиз автомобил бензини, 2009 йилдан буён эса реактив двигателлар учун JET A-1 авиация ёқилғиси ҳамда халқ хўжалиги учун углеводород эритмасини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Мамлакатимиз нефть-газ тармоғида илғор хорижий тажрибалардан фойдаланилаётганлигини Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи мисолида ҳам кўриш мумкин. Мазкур корхона ёқилғи-мойлаш материалларини ишлаб чиқарувчи Марказий Осиё минтақасидаги етакчи корхоналардан бири

ҳисобланади. Унумдорликни оширишда менежментни тўғри ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга. Фарғона нефтни қайта ишлаш заводида дизель ёқилғисини тозалаш бўйича янги жиҳозларни ўрнатилиши, корхонага нефтни қайта ишлашни янги замонавий савиясига ўтишига имкон берди. Диверсификацияланган стратегия корхоналарнинг фаолият соҳалари ва ишлаб чиқарадиган маҳсулотлар турини кенгайтириш олдидаги вазифаларнинг амалга ошириш йўлларини ифодалайди. Мазкур заводда диверсификацияланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, бунга 2010 йилдан бошлаб, бензин ва дизель ёқилғисидан ишлайдиган двигателлар учун уч хил турдаги техник мойларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, бу маҳсулотларни кўп қисми экспортга чиқарилаётгани, яқин муддатда яна олти хил турдаги техник мойларни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш мўлжалланаётганлигини таъкидлаб ўтиш мумкин.

Умуман олганда, Ўзбекистонда углеводород хом ашёсини қайта ишлаш бўйича тажриба ва имкониятлар сезиларли даражада ошди. Нефтькимё билан бир қаторда газкимё ишлаб чиқариши ҳам ўзлаштирилди. Диверсификация стратегиясини амалга оширишда янги бозорларга кириш масаласини ҳал қилишга тез-тез тўғри келади. 2001 йилда Марказий Осиёда энг йирик ҳисобланган Шўртан газкимё мажмуаси ишга туширилди. Корхонада табиий газни қайта ишлаш натижасида кўплаб турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда, бунга 2010 йилдан бошлаб халқ хўжалиги ва хусусий сектор учун полиэтилен қувурлар ва турли ҳажмдаги фитинглар, қурилиш индустрияси учун алюмин панеллар, қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда фермер хўжаликлари учун томчилаб суғориш тизими маҳсулотларини ишлаб чиқарилаётганини мисол келтириш мумкин.

2010 йили “Ўзбекнефтгаз” МХК ва Indorama компанияси томонидан Муборак газни қайта ишлаш заводи базасида диверсификацияланган маҳсулотлар, яъни полимер ва полиэтилен ишлаб чиқаришини ташкил этишда Сингапур компаниясининг технологик ва молиявий иштирокини кўзда тутувчи ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум имзоланди.

2012 йилда Сурғил кони базасида қиймати 25 миллиард доллардан зиёдни ташкил этадиган Устюрт газ-кимё комплекси бошланди ва мазкур объектнинг қурилиши 2016 йилда ниҳоясига етказилади. Ушбу лойиҳа технологик жиҳатдан дунёдаги энг илғор лойиҳалардан бири бўлиб, энг юксак даражадаги газ-кимё технологияларини жорий этишни кўзда тутди. Маҳсулот юқори сифатининг пойдевори принциплардан янги технологиялар, юқори самарали ва чиқиндисиз жараёнлар, янги конструкцион материаллар ва бошқалардир. Бу, ўз навбатида, табиий газдан 97 фоизгача этан, пропан ва бошқа қимматбаҳо компонентларни ажратиш олишни таъминлайди. Турли бирлашмалар, уюшмалар, концернлар, консорциумлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий инвестицияси бўлган корхоналарни ихтиёрий асосларда барпо этишлари мумкин. Бунга, Жанубий Кореянинг KOGAS HONAM Petrochemical Corp. And STX Energy каби етакчи банклари консорциуми Устюрт газ-кимё комплекси лойиҳасини молиялаштириш принциплари асосида иштирок этаётганлигини мисол қилиб келтириш мумкин.

Хулоса ўрнида шунини таъкидлаш мумкинки, Ўзбекистон нефтьгаз тармоғини ривожланишида – углеводород хом ашёсини ўзлаштириш, қазиб олиш ва қайта ишлаш билан боғлиқ истиқболли лойиҳалар, тармоқни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича кўпмиллиардлик дастурлар, импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ҳажмини ошириш, дунёдаги етакчи нефть ва газ компаниялари билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш каби омиллар муҳим аҳамият касб этмоқда.

ДЕМОКРАТИК ҚАДРИЯТЛАРНИ ЁШЛАР ОНГИГА СИНГДИРИШДА УРФ-ОДАТ ВА АНЪАНАЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Тошкент кимё-технология институти “Ўзбекистон тарихи ва сиёсий фанлар” кафедраси доценти
Т.Тўйчиева, катта ўқитувчи Н.Қодирова

**“Қиши ўзини яхшилик ҳақидаги ваъзга эмас,
эзгу ишлар ва фазилатларга ўргатмоғи керак”**

Демокрик

Дарқоқиқат, мустақилликни мустаҳкамлаш, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш мамлакатни модернизация этишга йўғрилган устувор вазифалар таълим тизимида фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчилар масъулиятини янада оширишни тақозо қилмоқда. Мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислохотлар асосан – бу халқ ҳокимияти бўлмиш демократиянинг фундаментал тамойилларига асосланади. Демократик ўзгаришларнинг ҳозирги босқичи маънавий соҳадаги ислохотларни ўта муҳим ва долзарб вазифага айлантормоқда. Зеро, демократик ўзгаришлар жамият янгилишининг мақсади